Ўзбекистон Республикаси
Сурхондарё вилояти
халқ депутатлари
Музработ тумани Кенгашининг
ҚАРОРИ

O'zbekiston Respublikasi
Surxondaryo viloyati
xalq deputatlari
Muzrabot tumani Kengashining
QARORI

2019 йил « 19 » декабрь | V-60/220-сон | Музработ тумани

**Сурхондарё вилояти Музработ туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекстон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб Халқ депутатлари Кенгашларига маҳаллий бюджетларни бошқаришда хусусан маҳаллий бюджет ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг 18-моддасига ҳамда 2020 йил учун Музработ тумани бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгаши (Кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади)

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Сурхондарё вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги "Сурхондарё вилояти 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 322/5-48-сонли қарорига асосан Музработ тумани (Кейинги ўринларда - туман деб аталади) бюджетига Сурхондарё вилояти бюджетидан ажратилган:

тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 26 млрд. 500 млн. 024 минг. сўм миқдорида тасдиқланганлиги;

туман бюджетининга айланма касса маблағи 697 млн. 510 минг сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
- жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан

олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

– цемент ва оҳактошдан ташқари, алоҳида норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

– электр станцияларидан бошқа тўловчилар томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

– айланмадан олинадиган солиқ.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

– юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг чакана сотуви учун акциз солиғи;

– айрим товарларни чакана сотиш ҳуқуқини бериш учун йиғим;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

– харид қилганлик учун ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим.

-жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

в) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

г) туман маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларида ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қонунга асосан туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) туман ва шаҳарлардан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштирилади;

б) туманлар ва шаҳарлар бюджетидан:

– фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқа

тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

– давлат санитария-эпидемиология назорати туман ва шаҳар марказларини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. 2020 йил учун Туманбюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Туман бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2020 йил учун Туманбюджети захира жамғармаси ҳажми **1 млрд. 169,611 млн. сўм** миқдорида белгилансин.

Туманҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини Туманлар бюджетида кўзда тутилмаган,кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. Туман ҳокимлиги, Туман молия бўлими:

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилартомонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминласин, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

8. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

9. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминласин.

10. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун Туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

11. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар в тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

12. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари Туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси** Э. Ямпов

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**SURXONDARYO**
**VILOYATI**

**MUZRABOT TUMANI**
**HOKIMI**

**РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН**
**СУРХАНДАРЬИНСКАЯ**
**ОБЛАСТЬ**

**ХОКИМ**
**МУЗРАБАТСКОГО РАЙОНА**

191300, Muzrabottumani,Xalqobodqo‘rg‘oni“Onadiyor”ko‘chasi1-uy,tel, fax: 0(376) 34-91-726, 34-91-486

2019 yil «16» Декабрь 01-26/401 - sonli

**Музработ тумани Адлия**
**бўлими бошлиғи**
**Д.Йўлдошевага**

Музработ туман ҳокимлиги Сизга, Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг Сурхондарё вилояти Музработ туманининг “2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор лойихасини Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасига кўра ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун юбормоқда.

*Илова:* Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг *қарор нусхаси ва иловалари жами 12 (ўн икки) варақда*

**Музработ туман ҳокими** **Э.Алимов**

*Бажарди: Туман ҳокимлигининг бош юрисконсульти в.б*
*Тел:34 91 196* *Х.Ишмуратов*

SURXONDARYO VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
Muzrabot tuman Adliya bo'limi
Kirish № 5/31
Sana 17.12.2019 y.

**Халқ депутатлари**
**Музработ тумани Кенгашининг**
**2019 йил «__» ____ даги**
**_____-сонли қарорига**
**1-илова**

## 2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

| Т/Р | Даромад турлари | Жами |
|---|---|---|
| | **ЖАМИ** | **52 643 661,0** |
| 1 | Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар | 2 758 383,0 |
| 2 | Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жимоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 702 379,0 |
| 3 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 23 804 596,0 |
| 4 | Қўшилган қиймат солиғи | |
| 5 | Акциз солиғи, жами | 12 349 428,0 |
| | *шу жумладан:* | |
| | *- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ* | *1 142 044,0* |
| 6 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 567 802,0 |
| 7 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 2 189 410,0 |
| 8 | Юридик шахслар ер солиғи | 1 867 343,0 |
| 9 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 5 618 244,0 |
| 10 | Ер каъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари) | 158 570,0 |
| 11 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 98 674,0 |
| 12 | Давлат божи | |
| 13 | Жарималар | |
| 14 | Ижара тўлови | 12 273,0 |
| 15 | Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад | |
| 16 | Йиғимлар | 2 516 559,0 |

**Халқ депутатлари**
**Музработ туман Кенгашининг**
**2019 йил «____» _____ даги**
**____-сонли қарорига**
**2-илова**

**2020 йил учун Музработ туман бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари**

минг сўмда

| | | |
|---|---|---|
| | **Харажатлар миқдори, Жами** | **79 143 685** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | **79 143 685,0** |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | **0,0** |
| | Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар | **0,0** |
| **1.** | **Халқ таълими бўлими** | **4 503 718** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 4 503 718 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **2.** | **Мактабгача таълим бўлими** | **4 252 774** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 4 252 774 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **3.** | **Соғлиқни сақлаш бўлими** | **35 571 454** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 35 571 454 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **4.** | **Маданият бўлими** | **2 879 614** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 2 879 614 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **5.** | **Жисмоний тарбия ва спорт бўлими** | **770 613** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 770 613 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **6.** | **Қишлоқ хўжалиги бўлими** | **1 126 412** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 126 412 |

| | | |
|---|---|---|
| | **Харажатлар миқдори, Жами** | **79 143 685** |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **7.** | **Ирригация тизимлари ҳавза бўлими** | **1 561 246** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 1 561 246 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **8.** | **Ветеринария бўлими** | **822 954** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 822 954 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **9.** | **Меҳнат бўлими** | **717 906** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 717 906 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **10.** | **Молия бўлими** | **879 775** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 879 775 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| | Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар | |
| **11.** | **Пенсия бўлими** | **484 411** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 484 411 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **12.** | **Ободонлаштириш бошқармаси** | **6 370 200** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 6 370 200 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **13.** | **Давлат ҳокимият органлари** | **19 163 088** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 19 163 088 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |
| **14.** | **Ижтимоий мослашув марказлари** | **39 520** |
| | *шу жумладан:* | |
| | жорий харажатлар | 39 520,0 |
| | объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар | |



**Халқ депутатлари**
**Музработ туман Кенгашининг**
**2019 йил «____» _____даги**
**_____-сонли қарорига**
**3-илова**

## Умумдавлат соликларидан Музработ туман маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

***Фоиз ҳисобида***

| Т/Р | Шахар ва туманлар номи | Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | Ягона солик тўлови | Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик | Акциз солиғи: - бензин, дизел ёкилғиси ва газ реализациясидан солик | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик | Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солик | Юридик шахслар ер солиғи | Жисмоний шахсларнинг ер солиғи | Йиғимлар | Ижара тўловлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Музработ тумани | | 100 | 100 | 100 | 100 | 40 | 50 | 100 | 100 | 50 | 100 | 100 | 100 |

**Халқ депутатлари**
**Музработ туман Кенгашининг**
**2019 йил «___» _____даги**
**____сонли қарорига**
**4-илова**

**Музработ туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажми**

**минг сўмда**

| Ҳудуд номи | Даромад | Харажат |
|---|---|---|
| Музработ тумани | 52 643 661 | 79 143 685 |

**Халқ депутатлари**
**Музработ туман Кенгашининг**
**2019 йил «____» _____даги**
**_____-сонли қарорига**
**5-илова**

# Музработ туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

**минг сўмда**

| Шаҳар ва туманлар | Тартибга солувчи трансферт миқдори |
|---|---|
| **ЖАМИ** | **26 500 024,0** |
| Музработ тумани | 26 500 024,0 |

**Халқ депутатлари**
**Музработ туман Кенгашининг**
**2019 йил «__» ____ даги**
**____-сонли қарорига**
**6-илова**

## Музработ туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

**минг сўмда**

| Т/р | Ҳудуд номи | Миқдор |
|---|---|---|
| | **ЖАМИ** | **697 510,0** |
| | *шундан* | |
| 1 | Музработ тумани | **697 510,0** |

**Сурхондарё вилояти Музработ туманининг "2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида" лойихаси юзасидан**

# М А Ъ Л У М О Т Н О М А

**2019 йил** 16 Декабрь **Музработ тумани**

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб Халқ депутатлари Кенгашларига маҳаллий бюджетларни бошқаришда хусусан маҳаллий бюджет ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг 18-моддасига ҳамда 2020 йил учун Музработ тумани бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг (Кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) қарори лойихаси, Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекстон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни талаблари асосида ишлаб чиқилган .

Қарор лойихаси туман Молия бўлими билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Лойиха 2019 йил 16 Декабрдан 2019 йил 16 Декабрга гача жамоатчилик муҳокамасидан (regulation.gov.uz сайтида) ўтказилди.

Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгашининг ушбу қарори лойиҳаси қонун ҳужжатларига зид эмас ва қонунчилик техникаси талабларига жавоб беради.

Ушбу қарор лойиҳаси Норматив-ҳуқуқий тусдаги бўлганлиги боис ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши лозим.

**Туман ҳокимлиги бош юрисконсульти в.б** **Х.Ишмуратов**

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ
АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ
**МУЗРАБОТ ТУМАН
АДЛИЯ БЎЛИМИ**
191300. Музработ тумани, А.Темур кўчаси, 1-уй
Тел.: (998 76) 349 18 53 Факс: (998 76) 349 21 71
Электрон почта: muzrabot-t@adliya.uz

УПРАВЛЕНИЕ ЮСТИЦИИ
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ
**ОТДЕЛ ЮСТИЦИИ
МУЗРАБАТСКОГО РАЙОНА**
191300, Музрабатский район, ул. А.Темура, д-1
Тел.: (998 76) 349 18 53 Факс: (998 76) 349 21 71
Электронная почта: muzrabot-t@adliya.uz

**2019 йил 18 декабрь № 5/31 -сон**

**Музработ туман
ҳокими
Э.Ж.Алимовга**

*2019 йил 16 декабрдаги
01-26/401-сонли хат юзасидан*

Музработ туман адлия бўлими халқ депутатлари Музработ туман Кенгашининг "Музработ туманининг 2020 йилги махаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини билдиради.

Ушбу қарор қабул қилингандан сўнг, расмий нашрда эълон қилиниши, Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисоби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1856, 2008 йил 10 сентябрь)га мувофиқ 3 кун ичида давлат ҳисобига олиш учун қоғоз ва электрон шаклларда вилоят адлия бошқармасига тақдим қилиниши лозим.

*Илова: хулоса ва қарор лойиҳаси 6 варақда*

**Бўлим бошлиғи** **Д.Йўлдошева**

Олдим

18.12.2019

Х. Шукуров

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Музработ туман адлия**
**бўлими бошлиғи**
**Д.Йўлдошева**

**Музработ туман адлия бўлими томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш юзасидан**

# ХУЛОСА

**2019 йил 18 декабрь** **Музработ тумани**

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ 3666-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги Низом талабларига асосан халқ депутатлари Музработ туман Кенгашининг “Музработ туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилганда қуйидагилар

## АНИҚЛАНДИ:

Лойиҳа Сурхондарё вилояти халқ депутатлари Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги “Сурхондарё вилояти 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш туғрисида”ги 322/5-48-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27, 99 моддаларига асосан ушбу қарорни қабул килиш Кенгаш ваколатига киради.

Қарор иловаларида келтирилган Музработ тумани маҳаллий бюджети туман маҳаллий бюджети харажатларининг 2020 йилги режа кўрсаткичлари туман молия бўлими билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Халқ депутатлари Музработ туман Кенгашининг ушбу қарори лойиҳаси қонун ҳужжатларига зид эмас ва қонунчилик техникаси талабларига тўлиқ жавоб беради.

Юқоридагиларга биноан, Кенгашнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарори лойиҳасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича

## ХУЛОСА ҚИЛИНДИ:

Халқ депутатлари Музработ туман Кенгашининг “Музработ туманининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги

қарори лойиҳаси қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилганлиги ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқлиги қайд этилсин.

Мазкур хулоса юзасидан тегишли хат маълумот учун халқ депутатлари Музработ туман Кенгашига юборилсин.

**Музработ туман адлия**
**бўлими бош маслаҳатчиси:** **П.Жумақулов**